

## САМАРАЛИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ ЭКОТИЗИМИНИ ЯРАТИШНИНГ АСОСИЙ КОМПОНЕНТЛАРИ

**Рахматуллаев Бунёд Дилшотович**

**Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги  
Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери миллий офиси**

**Бош директор ўринбосари**

**[b.rakhmatullaev@milliyofis.uz](mailto:b.rakhmatullaev@milliyofis.uz)**

**<https://doi.org/10.5281/zenodo.10652878>**

Бугунги кунда барчамиз дунёда ривожланишнинг тез суратларда амалга ошаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Эътиборга молик жиҳати шундаки бугун қай бир соҳа бўлмасин унинг тараққий этишини инновацияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Илмий тадқиқотлар ҳам инновациялар билан чамбарчас боғланиб улгурган. Жамият тараққиёти, муайян соҳа ривожини, умуман олганда инсоният ҳаёт сифатини оширишга қаратилган инновацион ғоя эса тижоратлаштириб, амалга татбиқ этилмагунча ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

Илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳаларни тижоратлаштириш - бу илмий фаолият натижасида пайдо бўлган ғоялар, технологиялар ва кашфиётларни тижорат мақсадларида муваффақиятли маҳсулот ёки хизматларга айлантириш жараёни бўлиб, бу нафақат тадқиқотчиларга ўз тадқиқотларидан фойда олиш имконини беради, балки ушбу янги инновациялар ва технологиялар бутун жамиятга наф келтира олади. Илмий-тадқиқот ишларини тижоратлаштириш инновацияларни ривожлантириш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ҳам ёрдам беради ва бу орқали мамлакатда янги иш ўринларини яратиш, хорижий сармояларни жалб этиш, иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга ҳам хизмат қилади.

Шу ўринда, инновацион лойиҳалар ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг самарали экотизими жорий этилгандагина кутилган натижаларга эришиш мумкин. Самарали тижоратлаштириш экотизими эса илмий тадқиқот институтлари, университетлар, саноат ва стартаплар ўртасидаги интеграция орқали вужудга келади. Ўз ўрнида бу билим алмашиш ва инновациялар учун янги имкониятлар яратишга ёрдам беради.

Муайян бир давлатда муваффақиятли тижоратлаштириш экотизимини яратишнинг асосий компоненти бу давлат томонидан норматив ва ҳуқуқий асосларнинг шакллантирилганлиги бўлиб, бунда интеллектуал мулкни ҳимоя қилишни таъминлайдиган ва тадқиқотчилар, университетлар ва тижорат шериклари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи самарали ҳуқуқий тизим бўлиши зарур.

Бугунги кунда мамлакатимизда муваффақиятли ва самарадор тижоратлаштириш экотизимини шакллантириш борасида босқичма-босқич ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан қайта ташкил этилган Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишларидан бири таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш, янги ишланмаларни тижоратлаштириш, рационализаторлик фаолияти ва стартап экотизимини ривожлантиришдан иборатдир.

Бунда Вазирлик хузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги тармоқ ташкилотларининг инновацияларга (янги ишланма ва технологияларга) бўлган

эҳтиёжлари асосида тижоратлаштириш лойиҳаларини ва инновацион «спин-офф» корхонаси лойиҳасини танлов асосида аниқлайди. Танлов натижаларига кўра ғолиб деб топилган тижоратлаштириш лойиҳалари ва инновацион «спин-офф» корхонаси лойиҳаси Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Шунингдек, инновацион маҳсулотларни келгусида сериялаб саноатда ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида танлов натижаларига кўра молиялаштирилган ҳар бир тижоратлаштириш лойиҳаси ва инновацион «спин-офф» корхонаси лойиҳаси ҳамда яқунланган илмий лойиҳалар тегишли тармоқ корхонасига бириктирилади.

Шунингдек, инновацион лойиҳалар ва илмий ишланмаларни молиялаштириш асослари ҳуқуқий-норматив ҳужжат, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори асосида белгилаб берилган. Унга кўра «Стартап» лойиҳалар танловида ташкилий-ҳуқуқий шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар барча илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, инновацион марказлар, хусусий компаниялар ва жисмоний шахслар иштирок этишлари мумкин. «Стартап» лойиҳалар уч босқичда, тақдим этилган талабномаларнинг танлов шартларига мослиги юзасидан ўтказиладиган техник экспертиза, молиявий-иқтисодий экспертиза, илмий-техник кенгаш томонидан экспертизадан ўтказилгандан сўнг молиялаштириш учун танлаб олинади. Агар давлат муассасаси ёки жисмоний шахс томонидан берилган «стартап» лойиҳа коллегиал орган томонидан маъқулланса, у ҳолда молиялаштириш тўғрисидаги шартнома ушбу «стартап» лойиҳани амалга ошириш учун очилган юридик шахс (компания) билан тузилади. Молиялаштириладиган «стартап» лойиҳалар ижрочи ташкилотлари мамлакатимиз ҳудудида жойлашган бир қатор илмий-амалий марказлар ва инновация технопарки резидентлиги мақомини олиш ҳуқуқига ҳам эга бўладилар.

Инновацион ривожланишни барча босқичларда қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистонда яна бир амалиёт бажарилди. Барча вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган йирик ташкилотларнинг раҳбар ўринбосарларига инновацияларни жорий этиш (Chief Innovation Officer) вазифаси юклатилди, шунингдек инновацион фаолият билан шуғулланишга масъул бўлинмалар ташкил этилди. Барча олий ўқув юртларида инновацияларни жорий қолиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича проректорлар тайинланди.

Мамлакатда стартаплар экотизимининг ривожланишида технопарклар алоҳида аҳамиятга эга. Юқори технологияларни ривожлантириш, илмий-технологик ва инновация тадбиркорлигининг барқарор ривожланишини таъминлаш, кичик инновация корхоналарини ташкил этиш, миллий ва хорижий бозорларда рақобатдош, илмий-ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва етказиб беришни йўлга қўйиш учун қулай муҳит шакллантириш мақсадида сўнгги 5 йил ичида республикамизда 19 та инновацион инфратузилмалар (технопарк, бизнес-инкубатор, бизнес-акселератор, коворкинг маркази) ташкил этилди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси,

Андижон, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Навоий вилоятларида умумий қиймати 40,8 млрд сўм бўлган 6 та Ёшлар технопарклари барпо этилди.

Келгусида ҳудудларда янги 7 та Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Фарғона, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида Ёшлар технопарклари ташкил этилади. “INNO Technopark” ва “Яшнобод” технопарк ва бошқа шу каби замонавий технопаркларда ёшларнинг ўз лойиҳаларини ва ғояларини амалга ошириш ва ривожлантириш учун барча шароитлар мавжуд бўлиб, улар замон талабларига жавоб берувчи энг сўнгги русумдаги ўқув ва ишлаб чиқариш жиҳозлари билан таъминланган. Шунингдек, технопаркларда ёшларда технологиялар соҳасида иш олиб бораётган ва тажрибага эга инсонлар билан танишиш, улар билан тажриба ва билим алмашиш имконияти ҳам мавжуд.

Янгича тартиб йўлга қўйилиши натижасида 2019-2022 йиллар давомида умумий қиймати 114,0 млрд сўмлик 176 та стартап лойиҳа молиялаштирилган. Таққослаш учун айтиш лозимки, 2019 йилга қадар стартап лойиҳаларини давлат гранти ҳисобига молиялаштириш тартиби бўлмаган. Стартап лойиҳаларни молиялаштириш натижасида 150 дан ортиқ кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг жами ишлаб чиқариш қуввати 138,0 млрд сўмдан ортиқ. Ушбу корхоналарда 200 дан ортиқ янги ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ҳамда хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилган.

Стартап экотизимини ривожлантириш мақсадида вазирлик ташаббуси билан охириги беш йил давомида 15 та акселератор дастури, 100 дан ортиқ семинар ва тренинглари, инфосессия ва халқаро учрашувлар ташкил этилди. Ўтказилган тадбирлар натижасида стартап танловларига ариза топшириш кўрсаткичи 2018 йилдагига қараганда 15 баробарга кўпайди, лойиҳаларни молиялаштириш эса 5 баробарга ошди.

Шу билан биргаликда, вазирлик ташаббуси билан стартап лойиҳаларини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 3 та инвестиция компанияси, 6 та венчур фонди ва 1 та бошқарув компанияси фаолияти йўлга қўйилган. “Astron” венчур фонди, “UzVC” Миллий венчур фонди ҳамда “UzCARD Ventures” МЧЖ мақсадли жамғармалари шулар жумласидандир.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери миллий офисига эса иқтисодиётнинг реал секторида илмий фаолият натижалари, инновацион маҳсулотлар ва хизматлар, шу жумладан янги қурилмалар, материаллар ҳамда технологияларни яратишни қўллаб-қувватлаш, уларни тижоратлаштириш, инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, ушбу йўналишларда республика миқёсида форумлар, халқаро ярмарка ва кўргазмалар ташкил этиш вазифалари юклатилган. Инновациялар Миллий офиси эндиликда лойиҳаларнинг тижорий салоҳиятини баҳолаш билан ҳам шуғулланади. Бунга бозор, рақобатчилар ва потенциал мижозлар таҳлили киради. Лойиҳанинг бозор эҳтиёжларига мослиги, жамият ва иқтисодиётга келтира оладиган фойдаси ва потенциали аниқлангач, у илмий-тадқиқот синовлари ва прототиплаштириш босқичларидан ўтади. Сўнг, “Plug and Play”, “Seedstars”, “Startup Campus” каби йирик стартапларни қўллаб-қувватловчи компаниялар билан ҳамкорликда инкубация ва акселерация дастурлари ташкил этилиб, стартаплар жаҳон бозорига тақдим этиладиган юқори даражага олиб чиқилади. Лойиҳа

тижоратлаштириш босқичига олиб чиқилгач, уларни молиялаштириш учун венчур фондлари, инвестиция фондлари ва хусусий инвесторлар жалб қилинади. Бунда Инновациялар миллий офиси олимлар, инноваторлар, ёш ишбилармонлар ва иқтисодийнинг реал сектори ва инвестор ўртасида кўприк бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, жамиятдаги энг долзарб муаммолар кўриб чиқилиб, уларга илғор ва инновацион ечимлар топиш мақсадида ҳар йили эҳтиёжлардан келиб чиқиб, стартаплар учун асосий йўналишлар белгилаб борилади. Масалан, 2023-2024 йиллар учун асосий йўналиш сифатида кимё технологиялари, тўқимачилик технологиялари, муқобил энергетика, био препаратлар ва сув тежаш технологиялари соҳалари танлаб олинган.

Шунингдек, ҳозирги пайтда Инновациялар Миллий офиси томонидан “Асосчи” деб номланган веб-платформа устида иш олиб борилмоқда. Ушбу платформа ёрдамида бугунги кунда маҳаллий ва жаҳон бозорида муваффиқиятли равишда фаолият юритаётган стартаплардан мотивация олиб, бизнес ғояларни шакллантириш, жаҳон стандартларига мос шаблон асосида бизнес режа тузиш, хорижий ва маҳаллий малакали менторлардан дарслар олиш, акселерация дастурларида қатнашиб, лойиҳани тижоратлаштириш мумкин. Бундан ташқари платформа орқали молиялаштириш турлари ва манбалари, хусусан венчур фондлари, танловлар ва инвесторлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш мумкин. Шунингдек, юқори потенциалга эга лойиҳалар учун инвестор жалб қилишга ҳам кўмаклашилади.

Таъкидлаш жоизки, 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб, талабанинг таълим йўналишига мос стартап лойиҳасини ҳамда рационализаторлик ғоясини битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилиш амалиёти жорий этилади. Бу амалиёт орқали таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш, янги ишланмаларни тижоратлаштириш, рационализаторлик фаолияти ва стартап экотизимини ривожлантириш кўзда тутилган.

Жаҳон тажрибаси асосида жорий этилган ушбу амалиёт олий ўқув юртларида стартапларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиши кутилмоқда. Зеро, олий ўқув юртида ёшлар тадбиркорлик борасида соҳа мутахассисларидан билим олиш, ташкил этилган инкубаторларда лойиҳаларини ривожлантиришлари ва махсус лабораторияда прототипларни ишлаб чиқиб, амалга жорий қилиш имкониятига эга бўладилар. Мисол қилиб келтирадиган бўлсак, бугунги кунда энг машҳур ва оммабоп қидирув тизими Google ҳам ўз вақтида Америка Қўшма Штатларининг Стэнфорд университетиде илмий лойиҳа сифатида амалга оширилган. Бугун кунда эса у дунёнинг энг илғор ва муваффақиятли технологик компаниясига айланиб улгурган. Инновациялар Миллий офиси ўз ўрнида фаолияти доирасида икки университет Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетиде 15 тадан стартап ғоя асосчиларини “Milliy Hub” акселерация дастурида ўқитишни режалаштирган.

“Milliy Hub” ёшларнинг инновацион ғоялар ва стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш дастури бўлиб, Ўзбекистон Республикаси бўйлаб онлайн ҳамда оффлайн тарзда ўтказилади. Ушбу ўқув дастури олий таълим муассасаси магистр ёки PhD талабалари ва илмий изланувчилар, тадқиқот муассасаси вакиллари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари учун мўлжалланган. “Milliy Hub” инкубацион-акселацион дастурида

бизнес ғояни муваффақиятли тадбиркорлик лойиҳасига айлантиришгача бўлган барча босқичларни ўз ичига олиб, унда тадқиқот олиб бориш, лойиҳа потенциалини аниқлаш, унинг маркетинг сиёсатини тузиб чиқиш, ҳамкор танлаш ва амалиётга жорий этиш босқичлари малакали мураббийлар бошчилигида олиб борилади.

Юртимизда муваффақиятли ва самарали тижоратлаштириш экотизимини йўлга қўйишда ҳалқаро ҳамкорликнинг ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу соҳадаги энг йирик кўшма лойиҳалардан бири Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва Жаҳон Банки ўртасидаги нинг “Ўзбекистон миллий инновацион тизимини модернизатсия қилиш” (MUNIS) лойиҳаси бўлиб, лойиҳа 3 асосий компонентдан: илмий-тадқиқотлар мукамаллигини ошириш ва тижоратлаштириш, хусусий секторда инновацияларни рағбатлантириш ва фан, технология ва инновация сиёсатини ишлаб чиқиш ва ислоҳотларни қўллаб-қувватлашдан иборат. “MUNIS” лойиҳаси доирасида жорий йилнинг май ойида республикаимизнинг барча ҳудуд ва шаҳарларида халқаро экспертлар жамоаси томонидан “Технологияларни тижоратлаштириш ва стартап лойиҳаларни амалга ошириш” ўқув дастурига старт берилди. Дастурнинг асосий мақсади 2022-2026-йилларда инновацион ривожланиш стратегиясида белгиланган мақсадларга эришиш учун ҳудудлардаги ёш олимлар, тадбиркорлар ва ўз стартап ғояларига эга ёшларни лойиҳаларини амалга оширишда амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш, ҳамда технологияларни тижоратлаштиришда уларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай тизимнинг муваффақият калити бу ички ва ташқи соҳаларнинг интеграциясидир. Ҳар бир тегишли соҳа ўз фаолитияни бошқа соҳалар билан мутаносибликда юритсагина бутун тизим муваффақиятга эришади.

### References:

1. <https://mininnovation.uz/oz/news/post-865>
2. <https://yuz.uz/news/ozbekiston-global-innovatsion-indeks-reytingida-7-pogona-kotarildi>
3. <https://mininnovation.uz/oz/news/post-865>